

“Трастбанк” хусусий акциядорлик  
банки кенгашининг  
2016 йил 16 майдаги 62-сонли қарорига  
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг  
ахборот сиёсати тўғрисида  
НИЗОМ**

Муқаддима

- 1-§. Банк томонидан очик ахборотни ошкор қилиш мақсад ва принциплари
- 2-§. Банк веб-сайтида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати
- 3-§. Очик ахборотни ошкор этиш муддати, тартиби, шакли ва у ошкор этиладиган ахборот каналлари
- 4-§. Банк тўғрисида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотни эълон қилиш бўйича Банк бошқарувининг мажбуриятлари
- 5-§. Банкни бошқариш органлари аъзолари ва банк ходимларининг акциядорлар, инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби
- 6-§. Банкнинг ахборот сиёсатига амал қилинишини назорат қилиш бўйича чоратадбирлар.

Мазкур Низом Корпоратив бошқарув кодексининг 13-бандига мувофиқ ишлаб чиқилди ва “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) томонидан очик ахборотни ошкор этиш муддати, тартиби, шакли ва акциядорлар, инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартибини белгилайди.

**1-§. Банк томонидан очик ахборотни ошкор қилиш  
мақсад ва принциплари**

1. Ахборотни ошкор қилиш – Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида акциядорлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ахборотни олиш мақсадидан қатъий назар, ахборотдан унинг топилиши ва олинишини кафолатлайдиган шаклда фойдаланишни таъминлашдир.
2. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятида ёки корпоратив ҳаракатларида юз берган барча ўзгаришлар тўғрисида ахборотни ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
3. Банк томонидан ошкор қилинган ахборот ишончли бўлиши ва банк фаолиятини холисона ёритиши лозим.
4. Банк ахборотни ундан ҳамма эркин фойдаланиш, очиқлик ва ҳаққонийлик принциплари асосида ошкор қиласди.

**2-§. Банк веб-сайтида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати**

5. Банк веб-сайтида жойлаштирилиши зарур бўлган ахборотга қуйидагилар киради:

- а) Банк фаолиятининг предмети ва мақсади;
- б) Банк устави, унга киритилган барча ўзгартериш ва қўшимчалар ҳамда Банкнинг тасдиқланган бизнес-режаси;
- в) Банкни узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддати белгиланган стратегияси тўғрисида ахборот;
- г) Банкнинг ташкилий тузилмаси, унинг таркибий тузилмалари, филиаллари, шўъба корхоналари номи, уларнинг телефон номерлари, почта ва электрон манзиллари, улардаги иш тартиби тўғрисида маълумот;
- д) Банк раҳбарияти тўғрисида ахборот;
- е) бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисида маълумот;
- ё) Банк бошқариш органлари томонидан тузилган комиссия, кенгаш, қўмита ва бошқалар тўғрисида маълумот;
- ж) Банкнинг аффилланган шахслари рўйхати;
- з) корпоратив бошқариш масаласига оид Банк ички норматив хужжатлари, шу жумладан Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шакли;
- и) Банк акциядорлари умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш якуnlари;
- й) Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти, ўтказиладиган жойи, кун тартиби тўғрисида маълумот;
- к) Банк қимматли қоғозлари эмиссияси проспекти, шунингдек Банкнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари;
- л) Банк томонидан ўтказиладиган оммавий тадбир (мажлис, учрашув, матбуот конференцияси, семинар ва брифинг, давра сухбати, расмий ташрифлар) тўғрисида маълумот, матбуот-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисида бошқа ахборот;
- м) Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва улар тўғрисида маълумот;
- н) хизмат кўрсатиш бўйича Банк ва унинг филиаллари томонидан ўтказиладиган очиқ танлов (тендер) тўғрисида маълумот;
- о) банк молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот, банк фаолияти тўғрисида ахборот тусидаги таҳлилий маълумот;
- п) сўнгти уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивиденdlар тўғрисида маълумот, дивиденди олиш учун Банк билан боғланиш тартиби;

р) Банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижаси юзасидан аудиторлик ташкилоти хulosаси;

с) Банк томонидан акциялар сотиб олиниши тўғрисида маълумот;

т) Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” қонуни 44-моддасига мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган банк фаолиятига оид муҳим фактлар;

у) Банк ўз веб-сайтида жойлаштиришни зарур деб ҳисоблайдиган бошқа ахборотлар.

6. Банк веб-сайтида бошқа манбадан олинган маълумотни жойлаштиришга фақат ахборот манбаси кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.

### **3-§. Очиқ ахборотни ошкор этиш муддати, тартиби, шакли ва у ошкор этиладиган ахборот каналлари**

7. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда ўзи тўғрисида ахборотни ошкор қилишни амалга оширади.

8. Банк томонидан ошкор қилиниши зарур бўлган ахборотга қуйидагилар киради:

а) Банк қимматли қоғозларининг эмиссия рисоласи;

б) Банк қимматли қоғозлари эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиши жойи ва тартиби тўғрисида маълумот, Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг манзили, реквизитлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва номери, давлат солиқ хизмати ва статистика идоралари томонидан берилган идентификация рақамлари, Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва хизмат турлари, мустақил рейтинг баҳоси;

в) Банкнинг чораклик ва йиллик ҳисботи;

г) Банк фаолиятидаги муҳим фактлар.

9. Банк ахборотни қофозда расмий хат ёзиш ёки электрон хабар жўнатиш воситасида ошкор қиласи. Банк томонидан электрон шаклда ошкор қилинадиган ахборот электрон рақамли имзо билан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

10. Банк ахборотни қуйидаги ахборот каналлари орқали ошкор қиласи:

а) Банкнинг корпоратив веб-сайти;

б) Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Корпоратив ахборот ягона портали;

в) “Тошкент” республика фонд биржасининг расмий веб-сайти;

б) газета ва журналлар;

в) давлат идорасига ҳисббот тақдим этиш.

11. Ошкор қилинадиган ахборот ўзбек тилида, талабга кўра рус ва инглиз тилларида ҳам тайёрланади.

#### **4-§. Банк тўғрисида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотни эълон қилиш бўйича Банк бошқарувининг мажбуриятлари**

12. Ахборотни ошкор қилишда уни бузиб талқин этиш ва сохталашибдириш тақиқланади. Банк ошкор этилаётган ахборотнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

13. Банк молиявий-хўжалик фаолияти ёки корпоратив ҳаракатида юз берган ўзгариш тўғрисида муҳим факт юзага келишига олиб келган қарор Банк кенгаши томонидан қабул қилинади ва дарҳол Банк бошқарувига ижро учун тақдим этилади. Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари томонидан, ушбу қарордан келиб чиқсан ҳолда, муҳим факт ҳақида ахборотнинг қоғоз ва электрон шаклидаги матни тайёрланади.

14. Ушбу муҳим факт матни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига кўра Банк бошқаруви раиси (ёки унинг ўринбосари) ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва ошкор этиш учун ахборот каналларига тақдим этилади.

#### **5-§. Банкни бошқариш органлари аъзолари ва банк ходимларининг акциядорлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби**

15. Банк фаолиятига даҳлдор бўлган ахборотни ўз вақтида жойлашибдириш ва янгила бориш доимий ахборот алмашинувини таъминлайди. Банк кенгаши ва Банк бошқаруви аъзолари ҳамда Банк ходимларининг акциядорлар, инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинуви Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Акциядорлар, инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Банк фаолиятига оид ахборотни олиш учун (ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотлар бундан мустасно) бевосита ёки ваколатли вакили орқали ёзма ёки оғзаки сўров билан мурожаат этишга ҳақли ҳисобланади. Бундай сўров Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” қонунига мувофиқ қабул қилинади, кўриб чиқилади ва жавоб қайтарилади.

#### **6-§. Банкнинг ахборот сиёсатига амал қилинишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар**

17. Ушбу Сиёсат Банк фаолияти очиқлиги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди ва унга амал қилиниши устидан умумий назорат Банк бошқаруви ва Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари зиммасига юкланди. Махфий ҳисобланган ахборот Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва Банк ички норматив хужжатларида белгиланган тартибда муҳофаза қилинган бўлиши лозим.